



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)нинг қонун ҳужжатларида белгиланган мuddат давомида ихтиёрий тартибда бажарилмаган маъмурий жарималарни қўллаш тўғрисидаги қарорлари мажбурий ижро этиш учун электрон ҳужжат кўринишида автоматик равишда Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига юборилади;

в) ижро ҳужжатларида ундирувчи ёки қардорнинг электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжати берган бошқа орган (мансабдор шахс)га тақдим этилган бўлса) ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ижро иши юриштириш кўзга тутилган ҳабарнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида йўлланади;

г) Тошкент шаҳрининг Яқасарой тумани ва Навоий шаҳри Мажбурий ижро бюроси бўлимида таъриба сифатида ижро ҳужжатларини автоматлаштирилган тизим орқали давлат ижрочилари ўртасида автоматлаштирилган тақсимлаш тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2020 йил 1 мартга қадар таъриба натижаларига кўра мазкур амалиётни Мажбурий ижро бюросининг бошқа бўлимида жорий этиш бўйича асосланган тақдирларни қайта кўриб чиқишга қарор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

4. Мажбурий ижро бюроси 2019 йил 1 октябрдан ўз расмий веб-сайтида бепул асосда кўриб чиқишга назарда тутилган ижро ҳужжатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторингини бўйича давлат интерактив хизмати кўрсатиш тизимини жорий этиш; ҳар бир ижро ҳужжати маълумотлар-

нинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган ягона идентификация рақами (коди)ни бериш; автоматлаштирилган мониторинг тизими ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг бориши ва ижро иши юриштириш барча босқичлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюроси томонидан кўрилатган чоралар ҳамда бажарилаётган ижро ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни доимий кири-тиб бориш;

Интернет тармоғи орқали ягона идентификация рақами (коди)дан фойдаланган ҳолда ундирувчи ва қардор томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг боришини барча босқичларда кузатиш, шунингдек, мавжуд қарзни онлайн тарзда тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ижро ҳужжати талабларининг бажаририлганлигини қайд этиш имкониятини яратиш.

Белгилансинки, ижро ҳаракатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторингини бўйича давлат интерактив хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ҳам кўрсатилади.

5. Мажбурий ижро бюроси: а) бир ой мuddатда шартнома-воситачилик асосларида сотишга топшириладиган мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги қўйидагиларни назарда тутувчи тақдирларни қайта кўриб чиқиш; ижро иши юриштириш давомида хатланган мол-мулкни сотишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдига “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сонли қарорига мувофиқ Электрон тижорат иш-тирокчиларининг миллий реестрига кири-тирилган, товарлар ҳаракатини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий эт-ган ва товарларни харидорга етказиб бе-риш учун зарур логистика имкониятларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

б) мол-мулкни мобиль иловалар ва электрон тўлов тизимлари орқали харид қилиш имкониятини яратиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда: ундириш қаратилган мол-мулк “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдонча-сига қўйилган пайтдан бошлаб сотилиш-га бўлган ҳаракатини мониторинг қилиш имконини берувчи мол-мулк ҳисобини юри-штирининг ягона электрон ахборот тизи-мини;

“E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида харид қилинган мол-мулк учун электрон, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн тўлов қилиш имкониятини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирли-ги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфа-атдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда уч ой мuddатда ижро иши юришти-ришда ундириладиган давлат бошқариш, маъмурий жарималар ва бошқа тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда тўлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун ЯИДХПда алоҳида платформани яра-тиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Мажбурий ижро бю-роси билан биргаликда Мажбурий ижро бю-роси ходимларини оператив-қидирув йўна-лишида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш бўйича бепул асосда ма-хсус курслар ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси: а) уч ой мuddатда суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги, шунингдек, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасидаги процессуал нормаларни тизим-лаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишлари юришти- тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб

чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатасига киритсин;

б) уч ой мuddатда: Мажбурий ижро бюросига жисмоний ва юридик шахслардан “ишонч телефони” ор-қали, шунингдек, электрон тарзда келиб ту-шадиган мурожаатлар ўз вақтида ва сифат-ли кўриб чиқишга устидан тизимли назор-ат олиб боришга қаратилган дастурий таъ-минотни; давлат ижрочиларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини маж-бурий ижро этишни таъминлаш бўйича са-марадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичларини (KPI), шунингдек, улар фа-олиятини баҳолаш, хизмат бўйича кўтариш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгар-лик чораларини қўллашда ушбу кўрсаткич-ларни қўллаш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-тураси академиясида тизимли равишда давлат ижрочиларининг малакасини оши-риш дастурларини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

в) манфаатдор идоралар билан бирга-ликда уч ой мuddатда суд томонидан маъ-мурий жаримага тортиш ҳолатларидан таш-қари, жаримага тортиш тўғрисидаги қарор топширилган санадан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда у қолган суммаси тўла-дан озод этилишини назарда тутувчи маъ-мурий жаримага тортиш тўғрисидаги қарор-ларни ижро этишининг соддалаштирилган тартибининг жорий этиш ҳақидаги тақлиф-лари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Бунда қуйидаги ҳолатларда жаримага тортиш тўғрисидаги қарорларни ижро

этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлла-нилмаслиги назарда тутилсин:

маъмурий жаримага тортиш тўғрисида-ги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест келтирилганда;

маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида ҳудди шундай ҳуқуқбу-зарлик такоран содир этилганда;

г) ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ижро иши-ни юриштириш ҳолати тўғрисида маълумот ҳамда соҳа фаолиятини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар кириштирилсин.

10. Белгилансинки, мазкур қарорда на-зарда тутилган чора-тадбирларни молия-лаштириш Мажбурий ижро бюроси ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармалари маблағлари, шунингдек, хал-қаро молиявий институтлар ва донор та-шкилотларнинг грантлари, техник кўмак ма-блағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси бир ой мuddатда қонун ҳужжат-ларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгар-тириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлиф-лар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва ома-вий коммуникациялар агентлиги, Ўзбеки-стон Миллий телерадиокомпанияси Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда мазкур қарор-нинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти маслаҳатчисининг бир-инчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммаси-га юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 12 март

БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кудуқлар қазив ва томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш орқали Нурота туманидаги лалми ерлардан самарали фойдаланиш, дуқакли экинлар етиштириш ва чорвачиликни кенгайтириш, паррандачилик-галлалчилик кластери ташкил этиш режалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ушбу барча чора-тадбирларни қам-раб оладиган Нурота туманини комплекс ривожланти-риш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиш юзасидан топширик берди.

Аҳоли вақиллари – нурунийлар, тадбиркорлар, хо-тин-қизлар ва ёшлар билан суҳбатда шу каби режа-лар, Навоий вилояти ва мамлакатимиздаги ўзгариш-лар ҳақида сўз борди.

Президентимиз Нурота туманида ҳам тўпналиб қол-ган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётгани, ушбу ташриф чоғида яна улкан режалар белгиланишини қайд этди.

Одамлар бизга ишониб, эртанги кунга умид билан қараяпти. Бу ишонч ҳар бир раҳбар юрагидан ўтказиб, янгича дунёқараш билан ишлаши, халққа хизмат қилиши керак. Энг муҳим масала – иш жойлари. Ҳамма ҳаракатларимиз аҳолини иш билан таъминлаш, иқти-содиётимизни ривожлантиришга қаратилган, деди дав-латимиз раҳбари.

Навоий иссиқлик электр станцияси юқори даражада саноятлашган ва унга туташ минтақалардаги истеъмол-чиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъмин-ловчи асосий манба ҳисобланади. Йирик саноят корхо-налари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-ларининг самарали фаолияти ва аҳолини янада ишонч-ли электр энергияси билан таъминлаш учун станция-да амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига бе-восита боғлиқ.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида Навоий иссиқлик электр станциясида бўлиб, иккинчи буғ-газ қурилмаси пойде-ворига тамал тоши қўйган эди.

Умумий қиймати 432 миллион АҚШ долларига тенг ушбу иншоотнинг қуввати 450 мегаватт. Қурилш “Mitsubishi Corporation and MHPS” консорциуми ва Тур-киянинг “Calik Enerji” компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

ИЭСда ишга туширилган биринчи лойиҳадан фарқ-ли равишда иккинчи буғ-газ қурилмасида жами 200 гигакалория (Гкал) иссиқлик энергияси ишлаб чиқа-риш кўзда тутилган. Бугунги кунда лойиҳанинг буғ тур-бина қурилмасида синув-созлаш ишлари олиб борил-моқда.

Президентимиз буғ-газ қурилмаси газ турбинаси-нинг ишлаш жараёнини кўздан кечирди.

Аънанавий электр станцияларининг фойдали иш ко-эффицентини ошириш йўлларини излаш бутун дунё технологиялари эътиборидаги масала. Буғ-газ қурилма-лари ушбу муаммонинг замонавий ечимидир. Иссиқ-лик электр станцияларининг фойдали иш коэффици-енти одатда 40 фоизни ташкил этади. Навоий ИЭС-нинг биринчи буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоиз бўлса, иккинчисида 61 фоизга тенг.

Буғ-газ қурилмаси тўлиқ тайёр ҳолда жорий йил сен-тябрь ойида ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари эътиборига лойиҳа амалга оши-рилиши туфайли эришиладиган натижалар ва буғ-газ турбинасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида-ги тақдимотлар ҳавола қилинди.

Буғ-газ қурилмаси ишга туширилиши натижасида йилга 3 миллиард 454 миллион киловатт-соат электр

ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, лойиҳа самарасида 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилги сарфи камайиши ҳисобидан йилига ўртача 829 милли-он куб метр табиий газ тежалани.

Мамлакатимиз энергетика тизимида 2025 йилгача яна бир қатор замонавий буғ-газ қурилмалари ўчун этиш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, минг на-фардан ортиқ хизмат кўрсатувчи юқори малакали му-тахассис тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради.

Президентимиз ушбу эътиёжни таъминлаш мақса-дида Навоий ИЭС базасида буғ-газ қурилмалари ўчун ходимлар тайёрлайдиган ўқув маркази ташкил этиш бўйича топширик берган эди. Корхонада Япония хал-қаро ҳамкорлик агентлиги – JICA молиявий кўмагида ўқув маркази ташкил этилди. Ҳозирга қадар бу ерда 166 мутахассис тайёргарликдан ўтди.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари ва хориж-лик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Энергетика тизимида амалга оширилаётган бундай йирик инвестиция лойиҳалари мавжуд энергетика қув-ватларини ошириш, энг муҳими, истеъмолчиларни уз-луқсиз энергия манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, худудлар инфратузилмасини туддан яхшилашга замин яратади. Замонавий технологиялар жорий этилиши эса ёқилги сарф-ҳаражати ва атропо-муҳитга чиқарилаётган зарарни камайтириш имконини беради.

Президентимиз “Навоийазот” акциядорлик жамия-тига ҳам борди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи ушбу корхонада урта йирик инвестиция лойиҳаси амал-га оширилмоқда. Шавкат Мирзиёев 2018 йилда маз-кур корхонада бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишган ва уларни ўз вақтида, сифатли яқунлаш бўйича мутасаддиларга топ-шириқлар берган эди.

Маълумки, “Навоийазот” корхонаси 1964 йилда ишга туширилган. Бу ерда қишлоқ ҳўжалиги, нефть-газ тар-моғи, энергетика ва тоғ-кон санояти эътиёжи учун 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Вақт ўтиши билан технологик ускуна ҳамда қурилмалар жи-монан ва маънан эскирди, кўп миқдорда электр энер-гияси ва бошқа табиий ресурсларни сарф қилиш эва-зига маҳсулот ишлаб чиқариб келинаётган эди. Шу боис, корхонада босқичма-босқич модернизация иш-лари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда жамият ҳудудида учта йирик инвес-тиция лойиҳаси – Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол, Аммиак ва карбамид ҳамда Азот кис-лотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши кизгин давом этмоқда. Бунёд этилаётган ушбу корхоналарга замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатила-ди.

Поливинилхлорид электр ўтказгич ва кабелларни изо-ляция қилиш, листлар, қувурлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шунингдек, кийим ва аксессуарлар иш-лаб чиқаришда ундан кенг фойдаланилади. Ювилди-ган гулқоғозлар наамикмаслиги учун ПВХдан тайёрлан-ган плёнка билан қопланади. Бу маҳсулот бошқа қўллаб сохаларда ҳам қўлланилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу янги объектлардаги бунёд-корлик ишлари билан танишди, қувурчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошади. Қурилиши Хитойнинг “China

CAMC Engineering CO. LTD” ва “HQC (Shanghai)” компа-ниялари консорциуми ҳамда юртимиз мутахассислари амалга оширмоқда.

Корхона фойдаланишга топширилгач, йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол тайёрланади. 900 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиги экспорт қилинади. Корхона жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топшириш ре-жалаштирилган.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятининг мавжуд энергия сарфи юқори бўлган аммиак ишлаб чиқариш 1, 2-навбатлари эксплуатациядан чиқарилмоқда. Хусу-сан, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича умум-ий қиймати 985 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари яқун-лагач, бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак, шунинг-дек, 577,5 минг тонна карбамид олиш, улардан тайёр-ланадиган минерал ўғитлар турини ошириш имкония-ти пайдо бўлади. 500 га яқин иш ўрни яратилади.

Япониялик ҳамкорлар – “Mitsubishi Heavy Industries, Ltd” ва “Mitsubishi Corporation” компаниялари билан бир-галикда барпо этилаётган мажмуаси 2020 йилда фой-даланишга топшириш кўзда тутилган.

Акциядорлик жамиятининг азот ишлаб чиқариш бўйи-ча эски 1, 2-навбатлари ҳам эксплуатациядан чиқарил-моқда. Янги бу ерда жорий йил яна бир лойиҳа – азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишини ни-ҳоясига етказиш режалаштирилган. 216,6 миллион АҚШ долларига тенг бу ишлаб чиқариш объекти Швейца-риянинг “CASALE SA” компанияси томонидан бунёд этилмоқда. Бу ерда йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлади, 120 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Бугунги кунда бу ерда ўрнатиладиган замонавий ус-куналарни бошқариш учун юртимиздаги олий таълим муассасаларида муҳандис-технолог, механик, энерге-тик, иқтисодида ва дастурчилар тайёрланапти. Мутахас-сислар мамлакатимиз ва хориждаги корхоналарда ма-лака оширмоқда.

Президентимиз замонавий энергия тежамкор техно-логиялар билан жиҳозланадиган мажмуаларда маҳсу-лот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини ту-шириш, рақобатбардорлиқни таъминлаш муҳим омил бўлишини қайд этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби замона-вий корхоналарни барпо этишга нафақат минтақа мам-лакатлари, балки унча-унча ривожланган давлатлар ҳам журъат этолмайдилар. Барпо этилаётган ушбу корхо-налар қўллаб иш ўрни яратилиши билан бирга, мам-лакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Навоий вилоятида мамлакатимиз эътиёжи учун жуда муҳим бўлган йирик корхоналар бунёд этаётишимиз. Энг замонавий ускуналар ўрнатиладиган бу корхоналарда ишлайдиган кадрлар ҳам шунга муносиб бўлиши ке-рак. Бунинг учун мамлакатимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлаш-нинг изчил тизимини йўлга қўйиш, ёшларни хорижда ўқитиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Навоий вилоятида мамлакатимизнинг Аме-рика Қўша Штатлари, Бирлашган Араб Амириклари ва Украинадаги элчионалари кўмагида амалга оши-рилаётган инвестиция лойиҳалари тақдими ўтказил-ди. Президентга вилоятда саноятни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқа тар-моқларда бажарилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, балиқ-чилик тармоғини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Балиқчилик ҳўжалиқларини яна-да ривожлантириш, янги инкубация цехлари ташкил этиш, озука базасини мустаҳкамлаш, соҳага замона-вий технологияларни жорий этиш, балиқни қайта иш-лаш ва экспортга йўналтириш тизимини тақомиллаш-тириш борисида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли 2018 йил де-кабрь ойида Кармана туманида “Export Fish Product” масъуляти чекланган жамияти иш бошлади. Амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 37 миллиард сўм бўлиб, унинг 30 миллиард сўми банк кредити, 7 миллиард сўми корхона маблағидир. Бу ерда усти ёпиқ сув ҳавзалари, 500 тонна сийғимга эга музлаткичи ом-борхона, шунингдек, аҳолининг ҳордиқ чиқариши, яъни шу ернинг ўзида балиқ тутиб истеъмол қилиши учун умумий овқатланиш шохобчаси ва сайилгоҳ қурилган. 50 иш ўрни яратилган.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, йилига 500 тонна балиқ, 100 миллион дона балиқ чавоғи етиш-тирилади. Келажақда корхона 800 та аҳоли хонадонига ҳам интенсив усулда балиқ боқишни режалаштирган. Натижада 900 га яқин кишилар иш билан таъминлана-ди. Корхона тасарруфидида 2 минг гектарлик кўлда етиштириладиган балиқ кластер усулида қайта ишла-ниб, ундан балиқ уни, мойи, филеси, консерваси, ярим тайёр ҳолатда балиқ котлетти ва дудланган балиқ тай-ёрланади. 600 тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи доира-сида мазкур корхона фаолияти билан ҳам танишди.

Маҳсулот кўп бўлса, рақобат бўлади, рақобат бўлса, сифат ошади, сифат юқори бўлса, экспорт самарали бўлади. Оддий одамларни бой қилсак, давлат ҳам бой бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ ҳўжалигининг тур-ли тармоқлари бўйича агрокластерлар ташкил этиш, яйловлар ҳолатини яхшилаш лойиҳалари тақдими то-ти ўтказилди.

Масалан, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида “Navoiy ishonch qilamlari” МЧЖ томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини сунъий ёмғир усулида сугориш ускуналар-ини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада сув, ёқилги, минерал ўғитлар сарфи камайдилар. Умумий қий-мати 41 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа туфайли 50 кишининг бандлиги таъминланади.

Шунингдек, вилоятда чорвачиликни ривожлантириш-га алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Конимех туманида “Конимех техно оазис” МЧЖ томонидан туя-чилик ва йилкичиликни ривожлантириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилади. Хориждан 900 бош туя, йилки, насли кўй келтирилади. Чавандозлик мактаби ташкил этили-ши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари балиқ етиштиришга ихтисос-лашган шундай корхоналарни, чорвачилик ҳўжалиқла-ри сонини кўпайтириш, ер унмдорлигини ҳамда томор-қадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига ташри-фи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Умар АСРОБОВ, Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ҲАА мухбирлари

Мамлакатимизда хотин-қизлар меҳнатини улуғлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айни имкониятлардан фойдаланган аёллар раҳбарлик лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёд, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, sanoatда 38 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимизда "Эл соғлиги – юрт бойлиги" деган мақол бор. Президентимиз таъбири билан айтганда, тинчлик билан соғлиқни асрасак, қолган ҳамма нарсага эришиш мумкин.

Ҳозирги пайтда барча ҳудудларимизда перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Миробод туманида жойлашган "Orion medicity" хусусий клиникаси кўз касалликларини даволашга ихтисослашган бўлиб, муассаса 2011 йилда Ҳиндистон сармоёси асосида ташкил этилган. Айни пайтда бу ерда 50 га яқин малакали мутахассислар фаолият олиб боради, уларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Клиникага Шоира Жабборова раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Ш.Жабборова халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати ҳисобланади. Ҳар йили чет элдан тажрибали шифокорлар юртимизга келиб, аҳолига бепул кўриқлар ташкил этиб, керакли маслаҳатларини беради. Ходимлар йилда бир-икки бор Ҳиндистон, Германия, Швеция давлатларига бориб, малака оши-

риб қайтишмоқда. Бу ерда энг сўнгги русумдаги лаборатория мавжуд.

Ўтган 2018 йил клиника ҳаётида бир қатор қувончли воқеаларга бой бўлди. Ўтган йили тиббиёт маскани "Ташаббус – 2018" кўрик-танловининг Миробод тумани босқичида хизмат кўрсатиш соҳасида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида биринчи, худди шу йўналишда Тошкент шаҳар босқичида ҳам фахрли биринчи ўринни кўлга киритиб,



Клиникага раҳбарлигим билан бир қаторда депутатлик фаолиятимни ҳам барабар олиб бормоқдаман, – дейди биз билан суҳбатда муассаса раҳбари Шоира Жабборова. – Мен сайланган "Қорасув" маҳалласида 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Сайловчилар билан учрашувларда турли муаммолар кўтарилади, депутат сифатида уларнинг ҳар бирини тинглаб,

АЁЛЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

республика босқичида муваффақиятли иштирок этди.

Айтиш мумкинки, Президентимизнинг тадбиркорлик кенг йўл очиб бергани бугунги кунда хориҳлик сармоядорларнинг Ўзбекистонга кизиқшини янада ортирмоқда. Айни дамда чет элик ҳамкорлиги билан бир неча лойиҳалар устида иш олиб борилапти. Юртимизга 200 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритиш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти юқори ҳудудларда 5 та меҳмонхона қуриш бизнес лойиҳаси бўйича иш бошланди.

Клиникага раҳбарлигим билан бир қаторда депутатлик фаолиятимни ҳам барабар олиб бормоқдаман, – дейди биз билан суҳбатда муассаса раҳбари Шоира Жабборова. – Мен сайланган "Қорасув" маҳалласида 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Сайловчилар билан учрашувларда турли муаммолар кўтарилади, депутат сифатида уларнинг ҳар бирини тинглаб, келишга ҳаракат қиламан. Маҳалламиздаги кўз касалликлари билан оғриган беморлар бепул тиббий кўриқдан ўтиб, уларни даволашга ҳисса қўшдик.

Ҳа, жамиятимизда йил сайин аёлларнинг фаолияти ошмоқда. Улар учун қўллаб-қувватлаш мавжуд. Энг муҳими бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқимиз мушкулини осон қилаётган аёлларимиз бор бўлсин...

З.ШАРИФЖОНОВ

Билмай босдим тиконни...

ОЗОДЛИК ҚАДРИ

ЁХУД УНГА ТАЛПИНИБ ЯШАЁТГАНЛАР

Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бироқ бу ҳаётда кимдир билими, билимайми жиноятга қўл уради. Шундан сўнг у ўзига тегишли жазосини олади. Жазони ижро этиш муассасасида ўтиргачгина улар озодликнинг қадрига етишади. Шундай инсонлардан бири билан суҳбатлашганимиз муваффақ бўлди. У асл исм-шарифини ёзмастелигимни илтимос қилди. Уни шартли равишда Сайфулло Долимов деб атадим.

— Бу ерда қандай келиб қолдингиз?

— Уйимизда хотинимнинг акиси билан ажрашиб, ўзи чет элга ишлагани кетган кенноийсининг яъни Гулжамолнинг хонадонини калити бор эди. У аёл турмуш ўртоғимнинг ҳам кенноийси, ҳам дугонаси бўлганлиги учун хотинимга "уйимдан хабар олиб туринг", дея калитини бериб кетганди. Бу калит билан у уйни очиб, пул зарур бўлиб қолганда ўша уйда қўтида турган янги телевизорни олиб чиқиб, сотиб юбордим. Буни хотиним ҳам сезмади. Орадан бир ҳафта ўтган, яна ўша уйга кириб, магнитофонини, қимматбаҳо идишини ҳам олиб, сотиб юбордим.

Бир кун Гулжамол тўсатдан уйимизга келди. Уни кўриб доғдираб қолдим. Хотиним унга уйнинг калитини берди. Дея иккалово хонадан чиқиб кетишди. Бироздан сўнг яна иккалово қайтиб келишди. Гулжамол менга қараб ўшқирди: "Уйдаги йўқолган нарсаларни топиб берларинг, бўлмаса милиция чақиртириб, шармадаларингни чиқараман!". Мен ҳам, хотиним ҳам уни бу шаштатдан туширишга эришолмадик. У эса айтганини қилиб, ИИБга ариза ёзиб берди. Ҳаммамизни сўроқ қилишди. Афсуски, мен ўз айбимга иқдор бўлдим. Чунки виждоним кийналиб кетди. "Ўғри ўйрилар йўлга тушар, охир бориб қўлга тушар" деганларини шу бўлса керакда. Афсуски унинг нарсаларини жойига қўйолмадим, пулини ҳам беролмадим. Шунинг учун бир ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим.

— Ўғрилик қилишни аслида қачондан бошлагансиз?

— Ўғирликни дастлаб ўз уйимиздан бошлагандим. Пул зарур бўлиб қолганда хотиним эндигина ювиб дорга илган кўйлагини, халатини, жемферини эски-туски сотадиган бозорга олиб бориб, сотиб юборгандим. Уйимиздаги қимматбаҳо идишларни ҳам пул керак бўлиб қолганда сотиб юборадиган бўлдим. Яна бир кун пул керак бўлиб қолди. Аёлларни "қора кунга" деб пул яширишларини эшитгандим. Шунинг учун ҳаммаёқни остин-устун қилиб, уйимиздан пул қидирдим. Шу пайт хотиним ишдан вақтлроқ қайтиб қолди. Уйдаги аҳолини кўриб ажабландим. Мен эса ўзимни оқлаш учун "Тушунмадим. Хозиргина келдим. Уйимизга кимдир кириб, чиқиб кетган шекли" дедим. Шунда у: "Ундай бўлса, қўлингизни ҳеч нарсага теккизмаган. Мен мелиса чақираман. Аниқлаштирамиз" деди. Бу гапдан доғдираб қолдим. Чунки ҳаммаёқда менинг бармоқ изларим бор эди-да. Шунинг учун айбимни тан олишга мажбур бўлдим. "Азизам. Мелиса-пелисаннинг кераги йўқ. Ҳазиллашадим. Сизни бир кўриқтай дедим. Шовилинч пул керак бўлиб қолди. Шунинг учун уйимиздан пул қидирдим. Зора яшириб қўйган пуллариңиз чиқиб қолса деб. Афсуски бир сўм ҳам тополмадим. Мени чекиринг. Ҳозир ўзим ҳаммаёқни йиғиштириб қўяман" дедим. Хотинимнинг жаҳ-

ли чиқиб, жавраб, жавраб уйни йиғиштирди. Мен эса секингина кўчага қочдим.

— Суд ҳукми ўқилганда яқинларингиз ва аёлингиз сизга қандай нуносабатда бўлишди?

— Суд ҳукми ўқилганидан сўнг энг аввал турмуш ўртоғимга жавдираб қарадим. Аёлим нафрат билан тикилиб: "Менга ўғри эр керак эмас! Ҳозир кечаман бундай эрдан!" деди. Жуфти ҳалолим ҳам мендан юз ўғирса бу ҳаётимни менга нима қизиги бор, дея ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Мендек ўғридан кўпчилик қариндошларимиз воз кечди. Яқинларим юз ўғирди. Уйлаб қарасам ўғри инсон кимга ҳам керак?

— Бу ерда қандай кўнжидингиз ва нималарни ўргатишди?

— Бу ердаги муҳитга аста-секинлик билан кўнжидим. Бу ернинг ўз ички тартиб-қоидаси бор. Белгиланган вақтида овқатланиш ва ишлаш. Қизим Сабура мактабга чиққанида давлатимиз мадҳиясини кўкси-га қўлини қўйиб, ёд олаётганида мен ҳам ёдласам бўларкан. Чунки бизга ҳам ушбу гимини ўргатишди. Қийналиб бўлсада ёд олдим. Бу ерда бизни меҳнат қилишга ўргатишяпти, тарбиялашяпти. Биз ҳозир чегара учун симтўрлар тўқиямиз. Бу иш бизни сабр-тоқатли бўлишга ундайди.

— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтим бўлди дегунча китоб ўқишга тутинаман. Бир пайтлар аёлим уйга китоб сотиб олиб келса, менинг гашим келарди. "Шунга ҳам пул сарфладингизми?" дея жаҳлим чиққан кунлари бўлган. Энди бўлса ўзим бу ҳаётни китобсиз тасаввур қилолмаяпман. Китоб бизга дўст экан. У ҳаётдан таълим беришини англаб етдим. Китоб ҳаёт дарсоҳнаси. Ундан кўп нарсаларни ўрганса бўлади. Маҳкумлар ўртасида тузилган ашула гуруҳига ҳам аъзо бўлдим. Яхшигина овозим борлигини билардим. Биз она, Ватан, юртва сadoқат, йиғитлик бурчи, дўстлик ҳақидаги қўшиқларни айтаёямиз.

— Ҳадемай озодликка чиқар экансиз. Кўз олдингиздан нималар ўтапти?

— Менга берилган муддатимнинг ҳам кўпи кетиб ози қолди. Узимга яна Яратгандан сабр сўраб ўтирибман. Бу ерда маҳкумларни озодликка тайёрлаш учун мактаб ташкил этилган. Ижтимоий мослашув маркази ходимлари, махсус прокуратурадан ходимлар келиб, иш, турар-жой тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боради. Озодликка чиққанга миздан сўнг бизлар қаерга мурожаат қилишимиз ҳақида ҳуқуқий билимларни беришяпти.

— Озодликнинг қадри ҳақида нималар дея оласиз?

— Осмонда парвоз қилиб юрган қушларга ҳавасим келади. Чунки улар озоддирлар. Мен энди-энди озодликнинг қадри қандайлигини билаёяман. Вақтида эса озодликнинг қадрига етмаганлигимдан ўқинаёяман. Озодлик — бу зулматни ёриб кирган нурга ўхшайди. Биз эса ўша нурга талпиниб яшаймиз.

— Бу ердан чиққангиздан сўнг нима қилмоқчисиз?

— Гоҳида қилган ишимдан афсусланиб, чекка-чеккада йиғлаб ҳам оламан. Мен бу ердан чиқсам, албатта, тадбиркор бўламан. Ишсизларга иш ўринлари яратаман. Ўзимнинг кичкина корхонам бўлади.

— Суҳбатдош: Хонбиби ҲИММАТ қизи

ТАБИАТНИ БИРГАЛИКДА АСРАЙМИЗ

Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг ижроси ҳамда "Тошкент шаҳридаги кўп йиллик дарахтларни ноқонуний кесилишининг олдини олиш ва уларни ҳар хил зарарли зараркунандалардан муҳофаза қилиш" мавзусида тадбир ўтказилди.

Сўнгги йилларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш бўйича мақсадли сиёсатнинг олиб борилиши, кучли фуқаролик жамиятини қуриш ва унинг ижтимоий ҳаётида фуқаролик жамияти институтларини родини ошириш соҳаларида чуқур ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган мақсад янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг ижроси, Тошкент шаҳрида ўсимлик оламга зарар етказишнинг, дарахтларни ноқонуний кесилишининг олдини олиш ҳамда аҳолининг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, уларни она табиат ва унинг нозиматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида ишларни кенг жадал қилиш, шаҳримиз озодлиги ва ободлигига ҳисса қўишни кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбир "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мувофиқ қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини фаоллаштириш, бу борада давлат ва ҳўжа-лик бошқарув органлари масъулиятини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4600 дан ортиқ ўсимлик турларини ташкил этади, улардан 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари бўлиб, 9 фоизи эса эндемик турларни ташкил этади. Ушбу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларнинг умумий со-

нидан 324 таси эндемик, қамбў ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Тадбир давомида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш, қайта тиклаш борасида мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш юзасидан тадбир иштирокчилар томонидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этилдики, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш, айниқса кўп йиллик дарахтларни кесиш учун рухсатномалар олиш тизимида ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш, дарахтларни кесиш учун рухсатномалар берилганлиги юзасидан мутасадди ташкилотлар расмий сайтларида маълумотлар жойлаштириш, бу борада аҳоли хабардорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда ўсимлик дунёсига ноқонуний зарар етказилишининг олдини олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юзага келган экологик муаммоларни ечимини топиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир сўнггида экологик муаммолар, уларнинг ечимлари, экологик маданиятини янада кучайтириш хусусида тақлифлар билдирилди, мутахассислар томонидан атрофлиха маълумот берилди.

Зарина РУСТАМОВА

МУЗЕЙДАГИ БЕТАКРОР МУСИҚИЙ ОҚШОМ

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида очик осмон остида концерт – "Open air" мусиқий кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Давлат филармонияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган ушбу тадбирга мусиқа ихлосмандлари, хорижлик меҳмонлар тақлиф этилди.

Мусиқий оқшом доирасида мозийгоҳ ҳудудида "Ўзбекистон маданий мероси" фотокургазмаси ҳамда Ўзбекистон давлат филармониясининг Давлат академик халқ чоғуллари оркестри томонидан миллий мусиқий дастур намойиш этилди.

"Ўзбекистон маданий мероси" фотокургазмасида ўрин олган суратлар мустақиллик йилларида бой маданий меросимизни асраш, маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилаётганини кўрсатди. Кўргазмада ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги бир неча минг йиллик ноёб архитектура ёдгорликлари, моддий ҳамда номоддий маданий мерос объектла-

ри, шу жумладан, қадимий меъморий мажмуалар, диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлар ҳамда миллий урф-одатлар, халқ ижодиёти фотографиянинг турли ва ранг-баранг жанрлари орқали акс эттирилган.

Шу билан бирга, музей фаолиятини қўллаб-қувватлаш, музей фондини ноёб экспонатлар билан тўлдириб бориш, экспедициялар уюштириш, техник базани мустаҳкамлаш мақсадида музей хузурида "Музей дўстлари" клубининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Архивлар фаолиятдан ТАРИХИ БИР АСРГА ТЕНГ ФОТОАЛЬБОМ

Бугунги глобал техника тараққиёти даврида инсоният тарихида муҳим ҳисобланган архивлар ва уларда сақланган ҳужжатларнинг ўрни алоҳида қимматга эга ҳисобланади.

Республикамиз ҳудудида ҳозирда Ўзархив агентлигига қарашли 100 дан зиёд архивлар фаолият юритадиган бўлса, шуларнинг ичида Марказий Давлат архиви мақомини олганларидан учтаси Тошкент шаҳрида ва биттаси Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган. Шундай қимматли ҳужжатлар сақланувчи архивлардан бири Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивидир. Дастлаб архив 1962 йилда Марказий тиббиёт архиви сифатида ташкил этилган, 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви номи билан фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда архив сақловига 1920-1925 йилги қимматли ҳужжатлар ҳам бор. Архив сақловига қабул қилинган ҳужжатларнинг кўпчилиги санъат, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, транспорт, қурилиш, турар-жой коммунал хўжалиги, маший ҳизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларига оидир. Бундан ташқари, архивда илмий-техникавий ҳужжатлар, конструкторлик лойиҳалари ва бир қанча тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар сақланади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, Республикаимиз вилоятлари, туманлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида лойиҳалар ва сметалар мавжуд. Сув хўжалиги соҳаси бўйича ерларни суғориш ишлари ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, ўрмон хўжалиги бўйича чўл ерларини, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари хусусидаги ҳужжатлар, транспорт, қурилиш, реконструкция қилиш, кўприқлар қуриш, йўлларни таъмирлаш, шаҳарлардаги турар-жойлар, бинолар қуриш, пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш, бир қанча машиналарнинг лойиҳалари, соғлиқни сақлаш соҳаларида эса илмий-тектириш институтларида олиб бориладиган илмий ишлар, тиббиёт соҳасининг ривожлантирилишига доир қарор ва низоомлар жой олган. Архив сақловидagi ҳужжатлар орасида Тошкент тиббиёт институти тарихини ўзида акс эттирган фотоальбомни бугунги кун учун мамлакатимиз тиббиёти тарихини ўрганиш борисида қизқаркли манбалардан бири десак муволажа бўлмайди.

М.ХАСАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви архивчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.02.2018 йилда № 583544 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SAN TASH IMPEX" МЧЖ (СТП 305358530) таъсисчининг 11.03.2019 йилдаги № 1 баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида М.Улугбек тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 33а-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99897 444-95-02.

"ЯНГИБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ" МЧЖ ҲУДУДИДА ИЖАРА БЕРИЛАДИГАН БЎШ ЖОЙЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Table with 3 columns: Location (1-sonli oshxona, 2-sonli oshxona, etc.), Area (1-худуд, 2-худуд, etc.), and Price (115.5, 36.2, etc.)

Манзил: "Янгибод иختисослаштирилган бозори" МЧЖ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толарик кўчаси, 1-уй. Тел: 298-39-29.

Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 1.05.2018 йилда № 605246 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MEGA LOTTO" МЧЖ (СТПР 305522976) таъсисчининг 25.02.2019 йилдаги № 1 баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида М.Улугбек тумани, М.Улугбек кўчаси, 110-уй, 22-хонадон манзилида қабул қилинади. Тел: +99897 739-58-50.

Ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан Илҳомова Муҳлиса Зокир қизи номига 2012 йилда берилган К № 2712818 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-ҳунар коллежи томонидан Хуснутдинова Робияноғи Насруллаевна номига 2012 йилда берилган К № 2723818 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"СНІРСНІО TAXI" МЧЖга (ИНН 303810445) тегишли давлат рақами 01У 420 WA бўлган ГБА СПГ ISUZU NQR 71 PL русумли транспорт воситаси учун берилган АТ № 4241090 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

П.Ф.Боровский номи тиббиёт коллежи томонидан 2008 йилда Урманова Назолат Шавкатовна номига берилган К № 1077267 рақамли (2784-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор тиббиёт коллежи томонидан 2008 йилда Тимерова Сарвиноз Бахтировна номига берилган К № 1077518 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Россия фуқароси Фаткуллаев Фуад Валех оғлига 9817-сон билан берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Анжуманлар

СПОРТ ТУРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши мутасадди вакиллари иштирокида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини янада такомиллаштириш мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши ходимлари, ҳамкор вазирилик, ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича фаолият юритаётган спортчилар иштирок этди.

"Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари Махид Умаров Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳамкор ташкилотлар билан бирга ишлаб чиқилган медиа-режа юзасидан маълумот берди. Мазкур ҳужжат 36 банддан иборат бўлиб, спортнинг техник ва амалий турларини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга хизмат қилади. Ташкилотнинг худудий кенгашлари йил давомида "Биз ватанпарварлармиз" шиори билан спорт мусобақаларини тизимли равишда ташкил қилиш, кўргазмалар тadbirlарда ёшлар фаоллигини оширишни режалаштирган.

Шунингдек, тадбир доирасида спортнинг техник ва амалий турларига кирувчи картинг, автокросс, авторалли, мотокросс, триатлон, дуатлон, ҳарбий амалий кўпкураш, ёғи биатлон, ўқ отиш, авиамодель, ракетамодел, кемамодел спортлари каби турлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу спорт турлари бўйича Жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари бўлган спортчиларнинг эришган ютуқлари акс этган фото кўргазма намойиш этилди.

"Ватанпарвар" ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш бўлиб, фуқаролар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини тарғиб қилиш ва оммавийлигини ошириш ишларини ташкил этмоқда, турли даражадаги спорт мусобақаларини ўтказиш, спортчиларнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминламоқда.

Ҳозирги кунда ташкилот томонидан картинг, автокросс, авторалли, автомобиль халқа пойғалари, автомобиль кўпкураши, мотокросс, триатлон, дуатлон, ҳарбий амалий кўпкураш, ёғи биатлон, ўқ отиш, авиамодель, ракетамодел, кемамодел спортлари, қиска ва ултрақиска телефон ҳамда телеграф орқали радиоалоқа каби техник ва амалий спорт турлари оммалаштирилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

"ТЕМУРИЙЛАР" ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси, туман мудофаа бўлими ҳамда Республика эстрада-цирк колледжи томонидан Яккасарой туманидаги мактаб ўқувчилари иштирокида "Ватанпарварлик декадаси" деб номланган саводхонлик кечаси ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Яккасарой туман мудофаа бўлими ходими Н.Суянов, Республика эстрада-цирк колледжи директори К.Зарипова, "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" УК маънавият, ТОИ ва ХВТ бўйича бош-лаб ўринбосари М.Қудратова ва бошқалар ҳозирги тинч ва тўқин-сочин ҳаёт ажодларимизга армон бўлгани, Ватанимизни ҳимоя қилиш барчанинг бурчи эканлиги, ёшларимиз тарбияси-

га давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, уларнинг нурли келажagini таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳақида айтиб ўтишди.

Тадбирнинг бош мақсади ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмонан етук қилиб тарбиялаш ҳамда уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини синдиришга қаратилди. Тумандаги 144, 172, 139-мактаб ҳамда Республика эстрада-цирк колледжи ўқувчилари иштирокида "Ватанпарварлик декадаси" шиори остида савол-жавоб викторинаси ўтказилиб, жамоалар бешта шарт бўйича беллашди.

Кизгин тарзда кечган беллашувда Республика эстрада-цирк колледжи ўқувчиларидан иборат "Темурийлар" жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ғолиб жамоа ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

(Ўз муҳбиримиз)

ФИРИБГАРНИНГ ЖИНОИЙ ҲАРАКАТЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Учтепа туман бўлимига жорий йилнинг 2 февраль куни Учтепа тумани, 3-тор Қурувчи кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи С.Содиқова ариза билан мурожаат қилди.

2019 йилнинг 14 январь куни С.Содиқованинг уйига ўзини Учтепа туман газ таъминоти участкаси нозирини таъинлаган И.Миржалолов хонадоннинг табиий газ истеъмолидан кўп миқдорда қарздорлиги вужудга келганини айтиди.


Хонадон эгаси эса Учтепа туман газ таъминоти участкаси нозирини эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмай, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини ҳам сўрамайдди. Натияжада табиий газдан бўлган қарздорликни сўндириш мақсадида жами 1.300.000 сўм пул маблағини аслида 2 йил муқаддам газ таъминоти участкаси нозирини бўлиб ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз бўлган И.Миржалоловга тўловни амалга оширади.

Сохта газ таъминоти нозирини И.Миржалолов эса жами 1.300.000 сўмини фибрибарлик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинади

Мазкур ҳолат юзасидан 2019 йил 12 февраль Мажбурий ижро бюросининг Учтепа туман бўлими суриштирувчиси томонидан фуқаро И.Миржалоловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, айрим ўзини тегишли ташкилот вақилиман, деб таништирганларга ишонмасдан, ҳужжатларни текшириб кўринг. Фибрибарлар қурбонига айланмаслик учун коммунал хизматлар тўловини белгиланган жойларда тўлашни маслаҳат берамиз.

Шухрат САНГИРОВ, Бюронинг Учтепа туман бўлими суриштирувчиси



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Орзуга айб йўқ дейдилар. Лекин бўлар-бўлмас нарсаларни орзу қилишининг ўзи бемаъниликдир.

Ҳамма ҳам бошқалардан фойдаланиб қолишга интилади.

Ҳар ким ҳам ўз ҳаёт тарзини ҳақ деб билади.

Хаёл – ақл ва кўнгил меваси.

Бировнинг бахтига ҳасад қилма, ўзинг ҳам бахтли бўлишга ҳаракат қил.

Ҳақиқий риёзат йўли бу – оилавий ҳаёт.

Рашк ҳам, жанжал ҳам – ожизлик маҳсули.

Аёлларда эғалик ҳисси, ҳукмронлик туйғуси кучли бўлади.

Ҳаммага ўз ҳақиқати азиз.

Ёмоннинг хотираси кучли бўлади – ўзи билан боғлиқ ҳеч нимани унутмайди.

Керагинг бўлмаса, ҳеч ким йўқламайди.

Пул топиш осон, суянчиқ топиш қийин.

Ким ўзига зеб беради, ким сўзига.

Ҳайвон сезгиси билан билган нарсани нодон ақли билан билмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей томонидан 2018 йилда Усмонов Исмоил Хайтбой ўғли номига берилган L № 348840 рақамли (3026-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ 21 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" сизнинг бизнес гоангизини амалга оширишга кўмаклашини мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий нуфузли банклар кредит линияларини тақлиф қилади.

Бунинг учун сиздан лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан Банкнинг бош офисига ташкил этилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказига ёки марказнинг минтақавий филиалларда жойлашган бўлимларига мурожаат қилишингиз сўралади.



«Commerzbank AG» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва ОЭСРга аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
Кредитнинг энг кам миқдори 1 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим.
Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суғурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 8,5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда Еврора 6,0-7,0 % ва АКШ долларлари эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

«KfW IPEX-Bank» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва Европа иттифоқига аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
Кредитнинг энг кам миқдори 3 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим.
Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суғурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда Еврора 6,0-7,0 % ва АКШ долларлари эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

Хитойнинг Саноат ва тижорат банки

- Кредит маблағлари Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
Кредитнинг энг кам миқдори 10 000 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим.
Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суғурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 3,5 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

Хитойнинг Экспорт-импорт банки

- Кредит маблағларининг Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган товар, техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
Кредитнинг энг кам миқдори 100 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим.
Импорт шартнома доирасида кредит маблағларининг камида 50 фоизи қисми Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга йўналтирилади.
Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 4,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни 8,0-10,0%ни ташкил этади).

Сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш

- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро эсимармаси маблағлари ҳисобидан Жиззах ва Қашқадарь вилоятларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилади.
Кредит линия маблағлари сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш секторида қўшимча қиймат зинжирини ривожлантиришга йўналтирилади.
Лойиҳа мақсади билан келиб чиққан ҳолда кредитнинг максимал миқдори қуйидагича:
• деҳқон хўжалиқларида юқори маҳсулдорликка эга зотдор йирик шохли қорамоллар ва усқуналарни харид қилиш учун – 10 000,0 АКШ доллар;
• фермер хўжалиқларига ет-ханақ эканларини йиғини техникаларини сотиб олиш учун – 100 000,0 АКШ доллар;
• ишлаб чиқарувчи ва сервис хизматлари кўрсатувчи хўжалиқ юртувчи субъектларга ветеринария ва зоотехника хизматлари ташкил этиш, шунингдек, ет маҳсулотлари тайёрлаш мақсадида – 100 000,0 АКШ доллар;
• сўт маҳсулотларини қайта ишловчи хўжалиқ юртувчи субъектларга янги технологик усқуналар сотиб олиш учун – 250 000,0 АКШ доллар.
Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
Кредит бўйича фойз ставкаси илқлик 4,9 %ни ташкил этади.

Телефонлар: (+998 78) 150-93-39, 150-76-42. www.qqb.uz



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳақини — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2343 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ